

ЖАЛПЕК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

5 июнь, чоршанба, 1996 йил
Сотувада эркин нархда. № 111 (1364)

ПРЕЗИДЕНТ РУМИНИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Руминияга жўнаб кетди.

— Руминия ўзига хос маҳсулотлари билан ўзбек хариддорлариغا яхши танишди, — деди Ислам Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбат чоғида. — Қолаверса, бу юрт билан Ўзбекистон азалдан ўстона алоқала бўлиб келган. Энди Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Руминия билан

хар томонлама алоқаларни янғидан боғлаши ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичда давом эттириши керак. Мазкур сафаримиз ана шу мақсадларга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортда Президент Ислам Каримовни Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Фуломов, С. Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (УЗА).

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Германия Федератив Республикасининг Мюнстер шаҳрида маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Германия қўшма комиссиясининг иккинчи сессияси бўлди.

Комиссия Ўзбекистон ва Германия маданий алоқалари ҳолати ҳамда маданият жумладан, таълим тарбия, фан ва спорт соҳа-

сида ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилди. Сессия якуни бўйича иккала мамлакат ўртасида

маданий ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди. Мазкур ҳужжатга Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Факултетида ва Мухтор элчиси А. Шайхов ва ГФР Ташқи ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи В. Хайде имзо чекди. (УЗА).

ИҚТИСОДИЁТ, ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Бу уч тушунчанинڭ ўзаро боғлиқлиги Ўзбекистонда ўтаётган экология ва саломатлик кўнрали доирасида Тошкентда ташкил этилган халқаро конференциянинг мавзуси бўлди.

Уни «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Жаҳон банкининг иқтисодий тадқиқотлар институти, Давлат статистика бўлими ва Тошкент молия институти ташкил этди. Анжуманда табиқий эколог олимлар, иқтисодчилар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Тошкентда ишлаётган хорижий дипломатлар иштирок этди. Анжумани «Экосан» жамғармасининг президенти, профессор Ю. Шодиметов бошқарди.

Жаҳондаги бирор мамлакатда ҳам инсон фаолиятининг атроф муҳитга таъсири ҳисобга олинмас, иқтисодиёт чинакамига ривожланмайди, деб таъкидланди анжуманда. Орол денгизи муаммоси бунга мисол бўла олади. Орол бўйи минтақасида экология мувозанатининг бузилиши халқ ҳужалигига жуда катта зарар етказди. Минглаб гектар ерлар яроқсиз бўлиб қолди, илгари бу ерда ривожланган кўп тармоқлар ҳозир таназзулга учради. Инсоннинг пухта ўйланмаган фаолиятининг

қурбонига айланган Орол бўйини қайта тиклаш учун жуда катта маблағ сарфланмоқда. Бу ишда унлаб халқаро ташкилотлар иштирок этмоқда — жаҳон ҳамжамияти Орол бўйи фалокатини бутун дунёга таъсир қилган ҳожа деб баҳоламоқда. Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, келажак авлодларга фақат ривожланган иқтисодиётни эмас, шу билан бирга хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси билан биргаликда жонли табиятни ҳам мерос қолдириш учун ҳозирнинг ўзида санаот ва кишлоқ ҳўжалиги фаолияти устидан қаттиқ экологик назорат ўрнатил зарур.

А. ИВАНОВА, УЗА мухбири.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА: УНИНГ ЗАМИРИДА НИМАЛАР БОР?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Унинг замирида нималар бўлади? Мухбиримиз Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошев билан шу ҳақда суҳбатлашди.

БИРОҚ, ШУНДАЙ ДАВРЛАР ҲАМ БЎЛГАНКИ...

— Анвар Зиёевич, суҳбатимиз аввало эркин иқтисодий зона нима деган масалага ойдинлик киритиб оلسак.

— У ўзига хос ҳуқуқий тартибга эга бўлган ҳудуд. Бундай иқтисодий зоналарга узоқ ўтмишдан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Гамбург, Бремен Роттердам, Генуя шаҳарларини ёки Гавай шўҳарлар иттифоқини эслайлик. Улар бизнинг давримизда ҳам оз эмас — Дубай, Гонконг... Ушбу минтақаларнинг иқтисодий жиҳатдан туркиб ривожлантирилиши иқтисодиётнинг барқарор тараққиётини қўллаб-қувватлаб туриш учун қандайдир эркин ҳўжалик юритиш инъикосини заруритидан далолат бермоқда. Бунинг боиси шундаки, ҳар бир иқтисодий зонага хос «двигатель» мавжуд бўлиб, у олға силжишни таъминлашни ўз зиммасига олади. Бу, одатда, субъектнинг эркинлиги билан боғлиқ бўлади. Корхона, ҳудуд, минтақа, инсон ана шундай субъект бўлиши мумкин. Эркин субъектлар эса бир вақтнинг ўзида ҳам қудратли бўнедор, ҳам қудратли бўзғинчи сифатида намойиш бўлади. Унинг иқтисодий салоҳияти даражаси ана шу қарама-қаршилликлардир.

Инсон ҳам табиятан ҳудбин бўлиб, асосан ўз манфаати илнинида ҳаракат қилади. Унинг бўнедорлиги шунда. Аммо у ўзгача ҳисобидан манфаат қўриши мумкин. Бу эса унинг бўзғинчилиғидир. Бинобарин, ҳар қандай субъектнинг қай даражада бўнедор ва бўзғинчи эканини кўп жиҳатдан унинг қанчалик эркинлигига боғлиқдир. Бутун тарихий

даврларда бу борада мувозанат сақлаб келинган. Бироқ шундай даврлар ҳам бўлганки, инсон табиятида фақат бўзғинчи куч мавжуд деган нуқтаи назар ҳукм сурган. Шу боис унинг эркинлиги бўғилиб, ўрнига асоссиз тенглаштириш, ҳар қил таъқиқ ва чеклашлар тикштирилган, ҳамма-нарсга қатъий назорат остига олинган.

Шунга қарамай, одамлар алдақон қатъий ишонч ҳосил қилганларки, эркинлик кенгайган сари тараққиёт кучаяди. Бинобарин, эркин иқтисодий зоналар ҳам олға силжишнинг қудратли омил бўлиб қолди. Аммо уни амалда синоп, маҳаллий шартларга мослаштириш лозим. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар барпо этишдан мақсад ҳам эркинлик даражасини мавжуд анъаналар, удумлалар, транспорт коммуникациялари ва умуман, ҳўжалик фаолияти шартларида синоп қўришдир.

Ассосу далилиси бутун республика ҳудудида эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ҳам қаттиқ ишдир. Шу боис зоналар ташаб, жорий этилмоқда. Эркин иқтисодий зоналар барпо этишнинг мазмун-моҳияти шу.

Бунга эса... ТАЖРИБА КЕРАК

— Эркин иқтисодий зонанинг роли нимадан иборат?

— Мазлумки, биз фуқаролик жамияти қуриши мақсад қилиб қўйганимиз. Бунинг учун эса тажриба керак. Эркин иқтисодий зоналарда ўзига жалб этувчи шарт-шароитлар яратиш орқали хорижий инвесторларга йўл очмоқчимиз. Бироқ бу зоналарда ўзининг тадбиркорлар ҳам имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни бу ерда маҳаллий ва чет эл сармоядорлари учун ҳеч қандай чегаралашлар бўлмайди.

Пул жамланганига капитал (молвий мублаг) ҳисобланади. Шундагина у «ишлаб» Жалб этувчи шарт-шароитни боис эркин иқтисодий зоналарга молвий мублагнинг оқиб келиши кутилмоқда.

Ва, ниҳоят, бу зоналарда бошқарува оид тажриба тўпланади. Ҳозирча эса биз фақат буйруқ бериш тажрибасини биламиз. Шу боис одамларни ўқитиш ва иш ўргатиш учун чет

эксспорт қилишга йўналтирилган махус ҳамда тадбиркорлик зонаси бўлиши мумкин. Ҳозир технопарк, технополис, агрополис одат тусига кирмоқда. Хева ва Самарқанддаги каби эркин сайёҳлик зонаси бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ҳар бир зона ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Батзи ҳолларда алоҳида бохона тартиби, айрим ҳолларда эса валюта ва яна бошқа ҳолларда савдо тартибининг жорий этиш зарурати туғилиши мумкин. Умумий йўналиш берилишининг боис шунда. Кейинчалик ҳар бир ҳолатда зонанинڭ қандай бўлишига қаралади.

Ҳар қайси зонани тузишдан мақсад, у бажариши лозим бўлган вазиғлар майда-чуйдасига қўриб чиқилади, ҳар бири учун алоҳида низоми ишлаб чиқилади. Бу низоми ҳуқуқий тартибнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлгани учун Олий Мажлис орқали ўтиши лозим. Қонунда айна шундай деб эътиб қилинган.

— Эркин иқтисодий зонанинг роли нимадан иборат?

— Мазлумки, биз фуқаролик жамияти қуриши мақсад қилиб қўйганимиз. Бунинг учун эса тажриба керак. Эркин иқтисодий зоналарда ўзига жалб этувчи шарт-шароитлар яратиш орқали хорижий инвесторларга йўл очмоқчимиз. Бироқ бу зоналарда ўзининг тадбиркорлар ҳам имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни бу ерда маҳаллий ва чет эл сармоядорлари учун ҳеч қандай чегаралашлар бўлмайди.

Пул жамланганига капитал (молвий мублаг) ҳисобланади. Шундагина у «ишлаб» Жалб этувчи шарт-шароитни боис эркин иқтисодий зоналарга молвий мублагнинг оқиб келиши кутилмоқда.

Ва, ниҳоят, бу зоналарда бошқарува оид тажриба тўпланади. Ҳозирча эса биз фақат буйруқ бериш тажрибасини биламиз. Шу боис одамларни ўқитиш ва иш ўргатиш учун чет

эллирга юбораямиз. Эркин зоналарда эса бозор иқтисодиёти шартларида ўз тажрибамизни шакллантириши мумкин бўлади. Демак, бу зоналар фақат соғ иқтисодий самарагагина эга бўлиб қолмайди.

— Республикада қанча ва қерда эркин иқтисодий зона ташкил этиш режалаштирилмоқда?

— Биз балки режалаштириш билан шуғуланмасак керак. Қонуни тайёрлаётганимизда тақлифлар жуда кўп бўлди, эркин иқтисодий зоналарнинг тури қарийб 200 тага етиб қолди. Улар орасида классик ва шунга яқин зоналар (яъни салоҳиятлар) борки, маҳаллий ҳокимият органларининг иштиёқини уйғотиши ва оқибата шундай зоналарни барпо этиш учун участка, ҳудуд, минтақа ҳам топилари мумкин. Масалан, ҳозир қолхозларни активлаш жараёни бормоқда. Бунинг учун ҳар бир вилоятда биттадан қолхоз ташаб олинган. Ҳўш, уларни эркин иқтисодий зона сифатида синоп бўлмайми? Буни қайта ишлаш тармоқлари ҳам қиралган агрополис тарзида ҳам ташкил этиш мумкин. Фақат янғича ҳуқуқий тартибдан келиб чиқиса бас. Яъни қатъий чегара ва чеклашлар йўқ. Ҳар бир минтақанинڭ ўзига хос варианты топил мумкин. Қонун оператив имконият яратиб беради.

— Эркин иқтисодий зоналар республика минтақаларининг нотеке ривожланишига олиб келмайми?

— Йўқ, аксинча, Шундай шарт борки, эркин иқтисодий зоналар ва уларда назарда тутилган имтиёзлар, аввало, иқтисодий жиҳатдан қучис минтақаларда ташкил этилади. Мақсад — капитални айна шун жойларга йўналтириши. Тўри, бу ҳар хиллигини вужудга келтириши, айрим зоналар ўз минтақаларида яққол кўза ташланиши мумкин. Бироқ янғича воқелиқларга қўниқини, иқтисодиётта кечати кун нуқтани назардан қарамаслик керак.

— Қонунинڭ «Алоҳида валюта тартиби» деб аталувчи 13-

моддасини шарҳлаб берсанғиз. Масалан, миллий ҳамда чет эл валюталарининг эркин муомалада бўлишига ва конвертациясига қандай қилиб эришляди?

— Бутун республикада эркин конвертация таъминланганидан сўнг бу модда ўз қучини йўқотлади. Бироқ бутун шундай муаммо мавжуд. Ва ҳар бир зона ўз ютуқлари, инвестицияси, чет эл капитал ва банк мублаглари ҳисобита конвертацияни амалга оширади. Зоналардаги эркин конвертация, бутун республикада белгилаб қўйилганига нисбатан бирмунча бошқача шартларда кечати. Қонунинڭ бу моддаси аввало эркин савдо зонасига хосдир.

— Республикада қанча ва қерда эркин иқтисодий зона ташкил этиш режалаштирилмоқда?

— Биз балки режалаштириш билан шуғуланмасак керак. Қонуни тайёрлаётганимизда тақлифлар жуда кўп бўлди, эркин иқтисодий зоналарнинг тури қарийб 200 тага етиб қолди. Улар орасида классик ва шунга яқин зоналар (яъни салоҳиятлар) борки, маҳаллий ҳокимият органларининг иштиёқини уйғотиши ва оқибата шундай зоналарни барпо этиш учун участка, ҳудуд, минтақа ҳам топилари мумкин. Масалан, ҳозир қолхозларни активлаш жараёни бормоқда. Бунинг учун ҳар бир вилоятда биттадан қолхоз ташаб олинган. Ҳўш, уларни эркин иқтисодий зона сифатида синоп бўлмайми? Буни қайта ишлаш тармоқлари ҳам қиралган агрополис тарзида ҳам ташкил этиш мумкин. Фақат янғича ҳуқуқий тартибдан келиб чиқиса бас. Яъни қатъий чегара ва чеклашлар йўқ. Ҳар бир минтақанинڭ ўзига хос варианты топил мумкин. Қонун оператив имконият яратиб беради.

— Эркин иқтисодий зоналар республика минтақаларининг нотеке ривожланишига олиб келмайми?

— Йўқ, аксинча, Шундай шарт борки, эркин иқтисодий зоналар ва уларда назарда тутилган имтиёзлар, аввало, иқтисодий жиҳатдан қучис минтақаларда ташкил этилади. Мақсад — капитални айна шун жойларга йўналтириши. Тўри, бу ҳар хиллигини вужудга келтириши, айрим зоналар ўз минтақаларида яққол кўза ташланиши мумкин. Бироқ янғича воқелиқларга қўниқини, иқтисодиётта кечати кун нуқтани назардан қарамаслик керак.

— Қонунинڭ «Алоҳида валюта тартиби» деб аталувчи 13-

— Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий моҳиятининг нима деб биласиз ва улар фаолияти натижаларини яқин вақт ичда қўриш мумкин бўлмайми?

— Ҳаммаси бизнинг қай даражада тайёр эканлигимизга боғлиқдир. Ҳозир ҳуқуқий асос бор, бироқ биз Вазиғлар Маҳкамаси ва маҳаллий органлар билан бу йўналишдаги ҳар қандай тақлифларни қўриб чиқисага тайёримиз. Эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ҳам, унинг фаолияти натижаларини ҳам шарт майдонларини қанчалик тез тайёрлашимизга боғлиқ.

«САМАРҚАНД-ЖАМБУЛ-АЛМАТИ»

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Самарқанд авиоотряди учувчилари «Самарқанд-Жамбул-Алмати» маршрути бўйича парвоз қила бошлады.

«Олтинсой» туманида яна бир хайрият тadbир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимилиги, «Қамолат» ёшлар жамғармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида нисорон болаларга 4,5 миңг сумлик совға тарқатилди.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва «УЗА» мухбирлари хабар қилдилар.

Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номи дехқон-фермерлар уюшмасида «Қаҳрамон она», Фахриддин Зайни дехқон ҳўжалиги бошлиғи Ҳидоятхон Нарзуллоевани яқин билишди.

СЕЛЕКЦИЯЧЛАР ҲУҚУҚИ — ҚОНУН МУҲОФАЗАСИДА

Мамакатимизда ўсимликларнинг яқин навларини яратин билан муғуллашган селекциячлар эришган ютуқларини жаҳон талаблари даражасида муҳофиза қилишни қандай йўлга қўйиш мумкин?

Чамбоб туманининг «Қизил ўсим» фермер ҳўжаликлари уюшмаси далаларида шили экин Корваллоевнинг дала бериши бўлиб аввало Ёрдамда амалга оширилди, Яёни 3 миңг гектар шили уруви самоводга етилди.

Намангандаги «Тўқилма» маданий саройида «Халқлар-96» республика кўриқ-талови бўлди.

ТАҒИН БИР ТАЖРИБА

Тошлоқ туманидаги Навоий номан жамоа ҳўжалигида яна бир тажрибага қўла урилди.

Жами 1100 қути инак қурти парвариллаб, 48 тонна қимматбаҳо саннат хом ашёси олинган

«ИЛҲОМ» ВА ГАЗ

Самарқанд айланти муҳофиза қилиш қўмитаси ва атмосферани муҳофиза қилиш лозирисы. Самарқанд давлат университетининг «Илҳом» кичик корхонаси билан ҳамкорликда транспорт хавоса чиқарилган газ миқдорини ўлчашга ускуна яратилди.

Илгори хорижда келтирилган бундай ускуна «Киньял» заводида ишлаб чиқарила бошлады. Муҳассисларнинг фикрича, уни завод ва фабрикалар атмосферага чиқарилган захарли моддалар миқдорини аниқлашда ҳам қўлша мумкин. Бу эса ҳаво мусаффолигини сақлашга хизмат қилади.

УНВОН МУБОРАК

Яқиндагина мамлакатимиз Президент Ислам Каримов Фармонига биноан, ажойиб ўзбек балеринаси, меҳрибон мураббий ва толмас ташкилотчи, Алишер Навоий номидagi давлат опера ва балет Катта академик театрининг директори Бернора Кориевага давлат олий мукофоти — «Дўстлик» ордени берилган эди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ, ЭНДИ...

«Ўзбекистон-Ватаним» мавзусидаги кўшиқлар кўрик-танлови Андрижон вилоятида муваффақиятли ўтди.

ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Касби туманидаги Алишер Навоий номан жамоа-ширкат ҳўжалигининг Кортепа қишлоқи чеварлари эрта-индин ўзлари етиштирган шилини шу ерининг ўзида қайта ишлаш имконига эга бўлдилар. Ҳозир шилини қалавалдан устуна ва дастгоҳлар тикланмоқда. Пиллани қайта ишлашга мўлажалланган жиҳозларнинг ҳаммаси Наманган вилоятиндан келтирилди.

Шегрият

СОҒИНЧ СЕНИ
ПОПОЛМАЙ ТИРЭН



ҚАЙТАРИБ БЕР,
ҚАЙТИБ БЕР...

Хандон уриб кулганимда завққа
тўларди осмон,
Мен кулганда жаранларди,
шавққа тўларди жаҳон,
Кулганимда — ҳар бир гулга ато
этар эдим жон,
Хандон солиб кулишларим
қайтариб бер, қайтиб бер.
Мен кулганда тунда кўёш чиқай
дерди фалакка,
Кулгим мени етакларди ҳар
битта пок тилакка,
Ҳеч қандай гард юқмас асли
губори йўқ юракка,
Ёниб-ёниб севишларим қайтариб
бер, қайтиб бер.
Авон-авон чечаклардан гилам
ёзганда баҳор,
Жийда гули олам узра сочиб
ўтганда уфур,
Армонларин дилга солиб нола
қилганда дутор,
Ширин хаёл суришларим
қайтариб бер, қайтиб бер.

Дўстинг ёнса алам ўтида,
у бирла сен ҳам ёнишни бил.
Йўли узун-қисқа умрнинг
армонлари, дардлари бисёр,
Бошга тушган ҳар бир савдога
айтиб шукрона, қонишни бил.
Ризқ аталмиш насибанг ҳамон
сенинг билан юрар изма-из,
Агар биров ризқин тутсалар,
ундан кечиб овоз, тонишни бил.
Ахир, ҳамон баҳор бўлур деб,
бутун борлиқ ҳамон кулур деб,
Хато қилиб қўйма, азизим, эрта
келар аёз, қишни бил.
Кўзинг очик экан, Нодира,
яхшилик қил, фақат яхшилик,
Дилга губор чўқмасин десанг,
ҳамон, ҳар дам савоб ишни бил.

НЕГА ЯНА ТУШИМГА
КИРДИНГ...

Нега яна тушимга кирдинг,
Агдар-тўнтар қилдинг кунимни,
Кўз ёшимга шунча зормидинг,
Умидларга очдинг кўйимни.
Соғинч гамгин маҳбусим эди,
Нега очдинг қафас дарчасин.
Минг балога мубтало этиб,
Юлиб кетдинг дилим парчасин...

Негира РАШИДОВА.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар ўзининг алақандой ажиб инсоний иқлими, ажабтовури озода маънавияти билан ажралиб турарди. Минг-минглаб етим-есирни бағрига олиб, бошини силаган ўзбек халқининг мислсиз савобати ва меҳру муҳаббати аини ўша даврда бутун жаҳонга дoston бўлган.

Бунга сабаб, балки, халқимиз бошига тушган ниҳоят қурутқатлар — «репрессия» даҳшатлари, аёвсиз уруш қирғинларидир ёки «улуғ падар» қазосидан сўнг инсонларнинг ниҳоят эркинроқ нафас ола бошлаганидир. Табиат мантиқи азалдан ҳам шундай: фалокатлар силсиласи энг юқори нуқтасига етганда ҳам тиррик жонда табиий муҳофаза — жон сақлаш туйғуси уйғонади. Ҳатто жониворлар ҳаётмаот дақиқаларида наслини сақлаб қолиш учун ўзлари ҳалок бўлса бўладики, ён-вердаги шерикларини қутқариб қолишга ҳаракат қилади.

МОЛЬЕР АСАРИ ТАЛАБАЛАР САҲНАСИДА

XVIII асрда яшаб ижод этган машҳур француз драматурги Ж. Мольернинг «Кариганда қармоқча илиниб» жиддий комедияси Маннон Уйғур номидидаги Тошкент давлат санъат институтининг битирувчи V курс музика драма театри актёрлиги талабалари томонидан саҳнага олиб чиқилди.

Шавкат РЕЖАПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Нуктаи назар

Минг қатла шукрки, бутун қорнимиз тўқ, устимиз бут, юртимиз тинч. Бироқ бу тинчлик — барчамизни бепарволикка эмас, камолат шўрликка, аҳилликка, бардамликка даъват етдиган алоҳида йўриқларга тинчлик. Қолаверса, Президентимизнинг заковати, матонат, иродасига таянган

ситта иштирокимиз, яъни умум тафаккури, меҳнат-шижоати билан ечимини топа олади. Шу маънода бутун барчамиз — касби қоримиз, ёшимиз, миллатимиздан қатъий назар — бамисоли улкан ижтимоий ҳаётда иштирок этаётгандаймиз. Рухшунос олимларнинг

Мамакатимизда ёш авлод салмоқли фойзини ташкил этади. Қайта куриш деб ном олган даврнинг бошланганига ҳам ўн йилдан ортиқ вақт ўтибди, яъни кўз очиб юмгунча бутун бошли бир авлод вояга етиб улгурди. Бир-бирини қувиб янги ва янги авлод етишиб келяпти. Жамият муайян, тугал шакл касб этгунча улари тўхтатиб туришинг иложи йўқ. Қўрған-кечирганлари таъсирида улари оғилари қатларида даврнинг қай хусусиятлари тахланиб борапти: гафлатларим ёки ижобий воқеа-ҳодисаларми? Улар ортираётган сабоқлар қай тарзда юз кўрсатади, кейинчалик бунёдкорлик қорига ярайдими ёки буғунчиликка хизмат қиладими? Бу хил саволлар жавобсиз қолмаслиги, таълим-тарбия ишлари тўғри ташкил этилиши, ёшларни замон, жамият талабларига мувофиқ ва муносиб бўлиб шаклланишлари учун таянч қадриятлар шу бутун зарур.

Ҳар биримиз ўз мушоҳадаларимиз асосида кўп синганми: ёмон одам йўқ. Инсон дунёга яхшилик учун келади. Ёмон одам — ёмон шарт-шароитнинг, нопоп муҳитнинг маҳсули, холос. Муҳит эса бизнинг ўзимиз. Шундай экан, ҳаммиша яхшилик уруғини сочиб яшашга интилайлик.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ЯХШИЛИК УРУҒИНИ СОЧИБ...

тиңчилик. Зотан, аини тинчлик замонлар, даврлар синовидан ўтган, инсоният томонидан узил-кесил қабул этилган муъжизакор демократиянинг азаси шартидир. Тинчликнинг пойдевори эса муросада, фуқароларнинг ўзаро меҳр-оқибатларидан, иззат-этиборларидан бунёд бўлади. Фақат бақувват сийсий тартиб, ҳақиқий ижтимоий адолат ҳукм сурган жойда, соғлом инсоний муносабатлар қарор топган тақдирда демократия ўзига хос жоизба касб этади, кутилган самараларни беради.

Замон заили шундайки, ҳар янги кун янги масалалар ва саволларни ўртага ташламоқда. Уларнинг ҳеч бирини четдан келиб биров ҳал қилиб бермайди, ўзимизнинг бево-

тадқиқотларига кўра, инсон ўзининг узок умри давомида бир-бирдан, тубдан фарқ қиладиган бир неча қиёфага кириб ўтади. Ҳар қиёфа ўз мудлатини ўтагандан кейин емирилмайди, аксинча вужуднинг аллақарларига мудоқо ҳолатда сақланиб қолади ва мавридли келганда юзага чиқади. У шариотга қараб инсонни ё хайрли ишларга, ё ҳатрли ҳаракатларга ундаши мумкин. Мисол учун, журъатсизгина одам мансабга мингандан кейин босар-тусарини билмай қоладиган ҳоллар кўп учрайди. Унда насихатомуз оҳанглар, илтифотсизлик аломатлари пайдо бўлади. Демак, шу кишининг кўнгли қарийда бу қиёфа мавжуд бўлгану фақат фурсат келганда ўзини намоен этган.

19 МАМЛАКАТ БАЙРОҚЛАРИ ҲИЛПИРАЙДИ

8 июнь кун пойтахтимизда илк марта аёллар ўртасида халқаро челленжер турнири бошланади

Ушбу турнир аввалгиларидан шуниси билан фарқ қиладики, бу сафар кортларга теннис парилари, яъни аёллар чиқишади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, аёллар ўртасидаги бундай йирик теннис турнири нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё худудида биринчи марта ўтказилди.

Лиля Биктимова ҳамюртларимиздир. Саралаш мусобақаларида уч нафар юртдошимиз тўғридан-тўғри қатнашса, Ярикова ҳамда Артемьева (ҳозирча) захирала туришибди.

Бутунги кунда мамлакатимизнинг барча спортсаврлари Олег Огородов, Дмитрий Муваффақият қозонишга умид боғлай олмаимиз. Лекин шуниси муҳимки, бу челленжер республикамизда аёллар теннисининг ҳам тезда ривожланишига туртки беради, бекйёе аҳамият касб этади. Ўз навбатида ҳамюртларимиз катта теннис «ҳавоси»дан баҳраманд бўлиб, ма-

командаларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тайвандликлар билан ҳал қилувчи учрашувда 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди ва гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашди. Агар сўнгги учрашувда ҳам вакилларимиз галаба қозонишганда, Осиё-Океания минтақасининг биринчи гу-

Энди 20 баҳорни қаршилаган украин қизи WTA таснифи рўйхатида 171-ўринни эгаллаб турибди. Турнирининг иккинчи ракетка соҳибаси саналаётган голландиялик Ким де Вейле эса 208-ўринда борапти. У ҳам Елена Каби 20 ёшда. Учинчи ракетка соҳибаси россиялик Елена Брюховец эса челленжер бошландиган кунга, яъни 8 июнда ўзининг тутилган кунга, яъни 25 ёшга тўлганлигини нишонлайди. Брюховец WTA рўйхатида 235-ўринни эгаллаб турибди.



Мамлакатимизда кетма-кет теннис бўйича йирик халқаро турнирлар ўтказилиши эндиликда одатий бир ҳолага айланди. Ер юзининг деярли барча бурчакларидан теннисчилар келиб, юртимизда ўтказилган «Буюк ипақ йўли» сателлит турнирлари, «Президент кубоги», «Олтин водий» ва Андижонда ўтказилган челленжер турнирларининг қатнашчилари бўлишди. Жаҳоннинг теннисга даҳадор энг йирик ташкилотлари буғунги кунда ушбу спорт тури тезда оёққа қалқиб кетган, дунёнинг қайноқ нуқталаридан бирига айланайтган мамлакат сифатида Ўзбекистонни ҳам тилга олишмоқда.

Халқаро мусобақада жами 64 теннисчи қатнашади. Асосий сет баҳслари 10 июнда бошланади. Саралаш баҳслари эса 8-9 июнь кунлари ўтказилиб, унда 32 нафар ракетка соҳибалари асосий сетга бериладиган тўртта йўланма учун кураш олиб боришади. Асосий сетларда қатнашадиган 28 теннисчи эса маълум. Улардан 26 нафари WTA таснифидан ўрин олган профессионал теннисчилар бўлса, икки нафари, яъни Ирода Ўзлаганова ва

рий Томашевич, Вадим Куценко ва Темир Хонжўяевнинг номини яхши билишадди. Зеро, улар халқаро майдонда ҳам ўз мақоратлари билан ном қозониб улгурди. Аёллар тенниси ўлкаимизда энди оёққа тураётгани боис, вакилларимизнинг номи ҳам кўпчиликка нотаниш ва табиийки, биз улариинг челленжер турни-

ҳоратлари тажриба билан сайқал топади. Шунини айтиш жоизки, бундан икки ой муқаддам аёлларимиз биринчи бор норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис кубоги учун Осиё-Океания минтақасининг 2-гуруҳ баҳсларида ўзларини синоб кўришди. Натижалар ёмон эмас. Терма жамоамиз Океания ва Бруней

руҳига йўланма олишар ва Дэвис кубоги учун баҳсларни давом эттиришган бўлишарди. Уйлаймики, ҳамюртларимиз челленжер турнирида ҳам муносиб қатнашиб, кутилмаган «совға»лар тортиқ этишади.

Халқаро челленжер турнирининг биринчи ракеткаси соҳибаси украинлик Елена Татаркова ҳисобланапти.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚКАТИГА!
6 июнь кун соат 15.00да «Динамо» теннис мажмуида турнир ташкилотчилари иштирокида матбуот конференцияси бўлади.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖУРАБОВ.

БУДИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Меҳор ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Туғил муҳаррират 33-10-28;
Эълолар 36-09-25, Вахшёр 33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — А.Йулдошев.
Навбатчи — Н.Топев.